



# СУҒ СИМИГА ИЛТИЛИБ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Бухоро давлат университети

## **СУВ ИЛМИГА ИНТИЛИБ**

география фанлари доктори (DSc), профессор Ёзил  
Қосимович Хайитов таваллудининг 60 йиллигига  
бағишлаб республикада фаолият олиб  
бораётган гидролог, эколог, ирригатор ва географ  
олимлар иштирокидаги илмий-амалий семинар

## **МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021 йилнинг 24 июль

Бухоро - 2021

қилган ташрифи якунлари бўйича топшириқлар баёни ижросини таъминлаш, Бухоро вилоятидаги гидромелиорация тизимларини самарали ишлатиш, ирригация, мелиорация йўналишлари бўйича талаб эҳтиёж, университет моддий-техника базаси ва профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ўрганган махсус ишчи гуруҳнинг Бухоро давлат университетига Гидромелиорация факультетини очиш тўғрисидаги таклифи Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланди, ректоратнинг 2008 йил 10 июлдаги буйруғи билан 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Бухоро давлат университети хузурида Гидромелиорация факультети ташкил қилинди ва унда хурматли Ёзил Қосимович мутахассис-педагог сифатида дастлаб талабаларга дарс бера бошладилар. 2010 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали ташкил этилган дастлабки йилда Бухоро давлат университети раҳбарияти томонидан тавсия этилган профессор-ўқитувчилар орасидан б.ф.н., доцент Ёзил Қосимович Хайитов “Сув хўжалиги ва мелиорация” кафедраси муdiri вазифасини бажарувчи этиб тайинландилар ва ушбу кафедрага мутахассислар ҳамда меъёрий хужжатлар билан таъминлашда қатъи муҳнатларини сингдирганлар.

Ёзил Қосимов илмга интилувчилари сабабли Ўзбекистон Миллий университетига мақсадли докторантурага қабул қилиниб, 2017 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Ёзил Қосимов саҳоватли инсон, бировларга яхшилик қилиб, уларнинг хурсандчилигидан шодланганлигини жуда кўп гувоҳи бўлганмиз. Бу инсон кечаю-кундуз ўз жамоадошларини, шогирдларини ўйлайдиган, уларнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ечишда руҳий ва илмий, керак бўлганда қўлдан келганча бор имконият билан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни нафақат касбий вазифа, балки инсонийлик бурчи, виждон амри деб биладиган олий ҳиммат инсондирлар.

Шундай улўф кунда бу инсонга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб, оилавий тоғувлик, фарзандлари, невараларининг камолини кўриб, шоду – хуррамликда умргузаролик қилиш, машаққатли ва шарафли, айни дамда ўта маъсулиятли касбни бажаришда улкан омадлар доимо ёр бўлишини тилаб қоламан.

## УСТОЗГА ЭХТИРОМ

*Д.Ш.Яемуттов,*  
**БухДУ, Иқтисодиёт ва туризм факультети декани, и.ф.н., доцент**

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганч ила.*

*Алишер Навоий*

Ёзил Хайитовни замонавий педагог ва устоз тимсолига яққол мисол сифатида кўрсатиш мумкин. У киши шогирдларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда илмий-ижодий соҳада ҳам бекаму-кўст, ўз меҳнатини аямасдан ишлайди.

Ёзил Қосимович Хайитовни 1994 йилдан, талабаликнинг биринчи кунлариданоқ таниганман. У киши География кафедрасининг намунали, шижоаткор ўқитувчиси сифатида ўзининг хулқи ва одоби, талабаларга муносабати билан ажралиб турарди.

Ёзил Хайитовнинг талабаларга муносабати, ёшларни қўллаб-қувватлаб, уларни илмга йўналтирган ҳолда тарбиялашлари ҳар бир талабага ҳам ўқитувчилик касбига меҳр уйғотарди. Ё.Қ.Хайитов ва кафедрадаги бошқа устозларга қараб, менда ҳам ўқитувчилик касбига меҳр уйғонган.

Ё.Қ.Хайитовни мен ўзимга илм йўлидаги биринчи устозларимдан деб биламан. Менинг илм соҳасига кириб келишимда устознинг ҳиссаси беқийсдир. 1996 йилнинг июн ойи, 2 курсда таҳсил оламиз. Олот туманининг Хўжамсаёт туз

кони ва кўли агрофида 1 ойлик дала амалиётини ўташ учун борганмиз. 1 ва 2 курслар дала амалиётидамиз. Дала палаткаларида турамыз, агроф муҳит билан танишамиз ва амалиёт кундалик вазифаларини бажариб борамиз. Устозларимиз – И.Назаров, У.Нуров, И.Аллаёров ва Ё.Хайитовлар дала амалиётини бизга сабоқ беришади.

Амалиётнинг бошланганига бирор ҳафта бўлганда, отам Шоймардонқул Явмутов биздан, мен ва ўртоқларимдан, устозларимдан хабар олгани келди. Шунда устозларим билан танишиб, менинг ўқишларим, ўзлаштиришим, тартибим тўғрисида суҳбатлашар эканлар, устозларимдан, мени ўзларидек зиёли, шу соҳанинг етук мутахассиси қилиб тарбиялаш, ўзларига шогирд сифатида бугундан бошлаб илмий соҳага йўналтиришни сўради.

Устозлар Ёзил Қосимов ва Умар Нуровлар менга биринчи илмий ишни топшириқ бердилар. Хўжамсаёт кўлининг майдонини ва бошққа географик тавсифларини аниқлаб, кўлга гидрогеографик тавсифнома тайёрлашни топшириқ бердилар.

Бу топшириқни амалга ошириш, яъни бу борада тадқиқот олиб бориш бўйича услубий кўрсатмалар ва тавсиялар бериб, ҳар кун ишнинг бориши тўғрисида сўраб туришди. Шу тартибда менинг биринчи илмий тадқиқотим олиб борилди ва тайёрланди.

Ёзил ака ҳозир ҳам шогирдларнинг сеvimли устози. У киши билан иш хоналаримиз бир қаватда жойлашган, кўшнимиз. Устознинг илмга, шогирдларга садоқати, меҳри бошқаларга ўрнатқ бўладиган даражада. Ёзнинг саратон иссиғида, айниқса, ўтган ҳафтадаги 45-48 даражадаги иссиқ кунларда ҳам кабинетинида ўзининг шогирдлари билан уларнинг илмий ишлари устида ишлаб келмоқда.

Ё.Қ.Хайитов қатор йиллар “Экосан” Халқаро ташкилотининг Бухоро вилояти бўлими бошлиғи сифатида вилоятда ва республикада экологик муаммоларни ҳал этиш, соғлом туурмуш тарзини, санитария-гигиена билимлари ва касалликларнинг олдини олишни тарғиб қилиб келди.

Ҳозирда ҳам талабаларга, ёшларга, шогирдларга, танишларига фан, илм йўлида сабоқ бериш билан бирга, соғлом турмуш тарзи бўйича ўзи намуна бўлиб, маслаҳатларини бериб келади. Кунлик пиёда юриш, ишга велосипедда келиб-кегиш ва бошқа қатор соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи амаллари орқали ўзи ёшларга, танишларига соғлом турмуш тарафдори сифатида намуна бўлиб келмоқда.

Бухоро давлат университети “Экология ва география” кафедраси профессори, г.ф.д. Ёзил Хайитов ҳозирда 10 га яқин, магистр, доктарант, тадқиқотчи шогирдларига илмий-тадқиқот ишларида раҳбарлик қилиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда.

Хайитов Ёзил Қосимович мамлакатимизда, жумладан, Бухоро вилоятинида илм-фаннинг, таълим тизимининг ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Устозга бу йўлда метиндек соғлиқ, муваффақият, сабр ва куч-ғайрат тилаб қоламиз.

## ИЛМДАН БАХТИНИ ТОПГАН УСТОЗ

Шуқуриллаев Юнус Асрорович,  
Бухоро муҳандислик-технология  
институтининг Ёшлар масаллари ва  
маънавий-маърифий ишлар бўйича  
проректори, тарих фанлари номзоди, доцент

Агар илмни ҳам диний ҳам дунёвийга ажратиш жоиз бўлса, Ёзил Қосимович Хайитовни икки илм соҳиби сифатида кўриш мумкин. Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Охираг учун дунёни тарк этган киши ёки дунё учун охираг тарк этган киши сизларнинг яхшиларингиз эмас. Лекин яхшиларингиз унисидан ҳам, бунисидан ҳам олган кишидир”, «Ким Аллоҳнинг розилиғи талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўткинчи мағохига эришиш учун ўрганса, қиёмат кунини жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди», деди. “Олимлар пайғамбарларнинг

Ҳамиша менга хайрихоҳ ва эзгу ниятли ҳамкасб ва биродарларимга 61 ёш бўсағасида сиҳат-саломатлик, узоқ умр ҳамда Аллоҳ берган ёшгача бирга бўлиш неъматини насиб этишини истаб қоламан.

### Ёзил Ҳайитов

### МУНДАРИЖА

А.М.Мавлонов, А.А.Қодиров. Сўз боши ўрнида. Бухоро экологияси ва гидрологиясининг сардори Ё.Қ. Ҳайитов – 60 ёшда.....	3
<b>Ё.Қ.Ҳайитов – ҳамкасблари, шогирдлари ва замондошлари нигоҳида</b> .....	7
Даулетбой Айтбоев. Аллоҳ йўлидаги биродарим.....	8
Назаров И.Қ. Омадли инсонга омад ёр бўлсин!.....	9
Ҳафиза Артикова. Камтарлик ва илмга йўғрилган умр.....	13
Шавкат Имомов. Инсон ҳаётида шараф ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди.....	15
Азимжон Қаландаров. Мағзи тўқ одам.....	17
Фазлиддин Жўраев. Устоз Ҳайитов Ёзил Қосимович ҳақида икки оғиз сўз.....	18
Абдурахим Болтаев. Инсонийликни биринчи ўринга қўйган инсон.....	20
А.А. Юлдашов. Қалбида очиқлик, тозалик ва олимлик мужассамлашган инсон.....	22
Э.Д.Ниёзов, М.А.Турсунов, Ширинов Ғ.Қ. Устоз 60 ёш муборак!.....	25
Туроб Жўраев. Қалбида одамийлик ва олимлик мужассам инсон.....	27
Жамол ўринов. Таниқли олим ва педагог.....	30
Х.Р.Тошов, Ё.Д.Холов. Толеманд олим.....	31
Ҳасанов Иброҳим Субҳонович. Илмга бахшида умр.....	35
Д.Ш.Явмутов. Устозга эҳтиром.....	37
Шуқуриллаев Юнус Асорович. Илмдан бахтини топган устоз.....	39
Қайим Баҳромов. Юксаклик сари интилган, қатъиятли олим.....	41
Абдунаби Ёдгоров. Забардаст олим ва садоқатли дўст.....	45
Юсуф Раҳматов. Ҳамкасбимиз Ҳайитов Ёзил Қосимовични табриклар!.....	48
Абдулла Қодиров, Ёқуб Холов. Амалиётчи олим ибрати.....	49
Гулшан Ҳалимова, Анвар Немагов. Интилганга толеъ ёр.....	52
Армонбек Шарипов. Устозларга итоат шогирд учун саодат.....	54
Норидин Нуриддинов. Бола бошидан.....	56
Kursdoshlar. Paxta 1982 yil.....	59
Iroda Ramazonova. Ustoz — kelajagimiz poydevori!.....	62

Замонавий гидрологик тадқиқотлар, худудларнинг табиий шароит ва ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш .....	64
Сагдеев Н.З., Артыкова Ф.Я., Хамзаева Ж.Т. Изменение статистических характеристик стока при удлинении рядов наблюдений .....	65
Аббасов Субҳон Бурҳонович, Сабирова Нилуфар Таировна. Арид минтақа антропоген-ирригацион кўллари тадқиқ этишининг долзарб масалалари .....	73
Маманов Ўткир Худойбердиевич. Самарқанд вилояти ер ресурсларини муҳофаза қилиш .....	80
Юсупжон Бабакулович Раҳмагов, Ситора Шавқиддин қизи Қурбонова. Тўдакўл сув омбори зонасидаги антропоген ландшафтлар ва экотуризмдаги истиқболлари .....	85
D.Sh. Yavmutov, B.M. Yuldosheva. Vuxoro shahri ekologik muhitining o'zgarishiga ta'sir etuvchi omillar .....	92
Тошбеков Нурбек Аҳмадович, Неъматов Анвар Нусратович. Сув ресурсларини тартибга солишнинг экологик жиҳатлари (Бухоро вилояти мисолида) .....	97
Раҳмонова С.Ж. Ўрта Осиё географияси фанидан амалий машғулотларни ташкил этиш .....	99
А.Э.Шарипов. "Учлик" сув тақсимлаш иншоотининг гидрологик режимига оид айрим фикр-мулоҳазалар .....	102
Rajabova Malika. Sardobalar - qadimgi suv inshootlar .....	106
Karimov Sherali Nosirovich. Romitan tumani toponimlari xususida ayrim mulohazalar .....	110
Shokirov Akobirjon Abrorovich. O'zbekistondagi suv havzalaridan turizm va rekreatsiya maqsadida foydalanish .....	113
Usmonov Ahrorbek, Vafoyev Amirbek. O'zbekiston respublikasi geourbanistikasida o'rtta shaharlarning tutgan o'rnini .....	116
Sherqulov Xurshid Jamshid o'g'li. Zamonbobo ko'lining rekreatsion imkoniyatlaridan foydalanish .....	119
Хаёт йўлидаги ҳамкасбларим ва биродарларимга .....	123